



## XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94), (76) 221-74-81)

2021 йил «8» июль

VI-30-33-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

### **Ёш оилаларни арзон уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида 2021-2023 йилларда Ёшлар уйларини қуриш ишларини амалга ошириш тўғрисида**

Вилоятда ёш оилаларни арзон уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида 2021-2023 йилларда Ёшлар уйларини қуриш ишларини амалга ошириш тўғрисида Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи Ж.Чориевнинг ахбороти Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси йиғилишида тингланиб ва билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссиясининг 2021 йил 26 майдаги ЗООМ дастури орқали ўтказилган йиғилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрь кундаги “Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 250-сонли қарори асосида 2015 йилда вилоятимиз бўйича 192 та хонадон, 2016 йилда 128 та хонадонлар ажратиб берилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 сентябрдаги “Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашда қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 753-сонли қарори асосида 2017 йилда 91 та хонадон, 2018 йилда 181 та хонадон, 2019 йилда 90 та хонадон, 2020 йилда 10 та хонадонлар ажратилиб, бошланғич бадал тўловлари Ёшлар иттифоқи томонидан кейинчалик уни қайтариш шарти билан жами 692 та хонадон ўз эгаларига тантанали равишда топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ёш оилаларга кўмак бериш, ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, алоҳида ўрнатилган ёш оилалар учун 2021-2023 йилларда вилоятимизда кўп қаватли уйлардан жами 270 та хонадон жумладан:

Термиз шаҳрида 2021 йилда 50 та, 2022 йилда 40 та, 2023 йилда 40 та

Денов туманида 2021 йилда 40 та, 2022 йилда 10 та, 2023 йилда 10 та

Ангор туманида 2022 йилда 10 та

Бойсун туманида 2022 йилда 10 та

Жарқўрғон туманида 2022 йилда 10 та

Шўрчи туманида 2022 йилда 10 та

Шеробод туманида 2023 йилда 10 та

Қизирик туманида 2023 йилда 5 та

Қумқўрғон туманида 2023 йилда 5 та

Музработ туманида 2023 йилда 5 та

Олтинсой туманида 2023 йилда 5 та

Сариосиё туманида 2023 йилда 5 та

Узун туманида 2023 йилда 5 та хонадонлар ажратилиши режалаштирилганлиги эътироф этилсин.

4. Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (Ж.Чориев), вилоят Қурилиш бош бошқармаси К.Эшматов туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда 2021-2023 йилларда ёш оилаларга қурилиши режалаштирилган ҳамда қуриб битказилган арзон уй-жойлардан белгиланган тартибда ажратиш чораларини кўрсин ва натижаси юзасидан ҳар чорак якунида халқ депутатлари вилоят Кенгашига ёзма ахборот киритиб бориш вазифалари юклатилсин.

5. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ёш оилаларни арзон уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида 2021-2023 йилларда ёшлар уйларини қуриш ишларини халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари ҳузуридаги “Халқпарвар” комиссия йиғилишларида мунтазам муҳокама этиб, ҳар чорак якунида халқ депутатлари вилоят Кенгашига ёзма ҳисобот тақдим этиб бориш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси (М.Махмудова) зиммасига юклансин.

7. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

**Кенгаш раиси**



**Bobolov T.A.**